ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН** УЧУН!

28-noyabr
2024-yil 48 (1 098)

O‘ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА...

Бирлашиш бошланишидир, бирликка эришиш тараққиётдир, бирликда ишлаш эса муваффақиятдир!

ХАЛҚИМИЗ ТАБИАТНИ ОНА ДЕЙДИ

ЕРУ СУВНИ ЭЪЗОЗЛАШДЕК АСРИЙ АНЪАНА ВА АЗАЛИЙ ҲАҚИҚАТ ЗАМИРИДА АСЛИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАНИ БУГУНГИ КУНДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛЯПТИ



Энг муҳими, юртимизда бир неча йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида бевосита иштирок этиш эндиликда ҳамманинг бурчига айланди.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи намуна бўлаётгани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатда сўз ва амал бирлигининг тасдиғидир. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўтган ҳафта охирида пойтахтимизнинг Бектемир туманида барпо этилаётган янги боққа кўчат эккани акс этган ҳаётий манзаралар халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортди.

3



ҚЎШМА ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палаталари мажлисларидаги нутқи ва шу муносабат билан фракция олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз борди. Шунингдек, келгуси беш йилликда парламент назоратини кучайтириш, бюджет кўрсаткичларини ошириш ва ҳукумат билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида партиямизнинг хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, бизнес юритишни янада соддалаштириш мақсадида мингга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензия, рухсатнома ва бошқа чекловчи ҳужжатлар сонини икки карра камайтириш, давлат харидларида кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлашларини эътироф этди.

Президентимизнинг мазкур эътирофи ушбу сиёсий куч зиммасидаги масъулиятни икки карра оширади. Шу боис келгуси беш йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш, қулай инвестицион муҳитни яратиш фаолиятимизнинг устувор вазифасига айланиши лозим, Зотан, жадал иқтисодий юксалишимиз, келажагимиз тадбиркорлик ривожига боғлиқ. Шу боис, партиямиз тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган ислоҳотларимизда фаол бўлиб, янги янги ташаббусларни ишлаб чиқишга эътибор қаратади.

Бундан ташқари, қабул қилинган қонунлар ишлаши, одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш қилиниши кераклиги таъкидлаб ўтилган эди. Шунингдек, қўшма мажлисда қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилиши, вазирлик ва идораларда раҳбар ўринбосарларини қуйи палата қўмиталари билан доимий ҳамкорлик учун масъул этиб бириктириш, парламент ва депутат сўровлари кимга йўлланган бўлса, шахсан шу раҳбар томонидан жавоб берилиши шартлиги ҳақида билдирилган қатъий фикрлар бошқарувда парламент ролини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Фракция аъзолари ҳамда ҳудудий кенгаш вакиллари давлатимиз раҳбари билдирган таклиф-ташаббуслар партиянинг бошқарувда парламент ва маҳаллий кенгашлар ролини ошириш ҳамда халқнинг чинакам овозига айлантириш йўналишидаги мақсад, вазифаларига ҳамоҳанглигини қайд этишди.

Видеоконференц мулоқот тарзида ўтган йиғилиш сўнгида давлатимиз раҳбари маърузалари асосида ишлаб чиқилган партиянинг “йўл харитаси”ни жойларда тўлиқ ижросини таъминлаш борасида вазифалар белгилаб олинди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

O‘zLiDeP матбуот хизмати

БОҒОТ:
БОҒДОРЧИЛИКДАН БАЛИҚЧИЛИККА

4

Умуман олганда, Боғотда 836 гектардан ортиқ сунъий кўлларда балиқ етиштириляпти. Ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан тўғри келмоқда. Бу эса туман аҳолисининг ҳар бирига йил давомида ўртача 20 килограммдан балиқ тўғри келади деганидир.





ИККИ ОДАМ ҲАҚИДА БИТТА ҲИКОЯ

6

Туман газетасининг мухбири бундан ўн йиллар муқаддам “Энг катта ниятингиз нима?” дея сўради ундан. Ўрозали Норбўтаев “Ростини айтсам, энг катта орзум – шанба-бозор кунлари эрталабдан кечгача тўйиб ухлаш”, дея жавоб берган экан...

“XXI asr”
ijtimoiy-siyosiy gazetasi
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!



Обуна индекси – 406
Мурожаат учун телефон:
71 255 68 50

ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ва маҳаллий доиралардаги маърузалари кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Боиси, улар нафақат Ўзбекистон, балки дунё афкор оммаси учун ҳам долзарб бўлиб турибди.
Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис қўшма палаталари мажлисларидаги нутқлари ва уларда кўтарилган масалалар ҳамда белгилаб берилган муҳим ҳаётий вазифалар O‘zLiDeP фракцияси аъзоларида ҳам катта таассурот уйғотди.

ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА ФАОЛ БЎЛИШГА МАЖБУРМИЗ



Сиёсатчилар орасида “Қайси мамлакатнинг қай даражада ривожланганлигини билмоқчи бўлсанг, хотин-қизларига муносабатини ўрган”, деган жумла бор. Хўш, нега бундай дейилган? Нега болалар ёки қариялар эмас, айнан аёл-қизларга муносабат улар учун қизиқ? Гап шундаки, аёл барча даврларда гўзаллик, тинчлик-барқарорлик ва маданият тимсоли бўлиб келган. Қайси давлатдаки, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари чекланган бўлса, демак, уларнинг фарзандлари тарбиясиз ва билимсиз ўсади. Аёлга шунчаки ожиза, заиф мавжудот эмас, балки эртанги кун эгаларининг тарбиячиси, бошқарувчи, тадбиркор ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли жамият аъзоси деб қараш лозим.

Хайриятки, юртимизда азалдан хотин-қизларга муносабат жуда ижобий кўринишда бўлган. Миллий менталитетга кўра шакллантирилган қонунларимиз, хусусан, Конституциямизнинг 58-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, хотин-қизларга эътибор бугун ҳар жабҳада, ҳар қадамда кўзга ташланмоқда. Айниқса, жорий йилги сайловларда аёлларимизнинг фаоллиги яққол кўзга ташланиб турди. Қувонарли жиҳати, мана шу сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 56 нафар хотин-қизлар депутат этиб сайланди. Бу умумий депутатлар сонига нисбатан 38 фоиз деганидир.

Бу эса хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада мустаҳкамлайди. Қайд этиш жоизки, бугун ушбу сиёсий жараёнларнинг бевосита ва билвосита иштирокчиси ҳамда парламент депутати деган шарафли мақомга эга бўлишим зиммамга янада улканроқ масъулият юклайди. Касбим ҳуқуқшунос бўлгани учун хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этаман. Қолаверса, ушбу қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида кенгроқ тарғиб қилишда ҳам жонбозлик кўрсатмоғим лозим.

Ҳаётнинг барча жабҳаларида аёлларга берилаётган имконият, имтиёзларни кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жумладан, жамият, давлат ҳаётидаги ролини янада кучайтириш айни вақтда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган ҳам бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “Хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимизнинг фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади”.

Бир сўз билан айтганда, Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган юртимизда Янги Ўзбекистон жамияти тараққиёти учун хотин-қизларни ўқитиш мамлакат интеллектуал капиталини шакллантиради. Зеро, аёлларга илм бериш – жамиятни билимли, маърифатли ва салоҳиятли қилиш, демакдир.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

Бугун дунё иқлим инқирози аталмиш жар ёқасига келиб қолди. Юз йил аввалгига қараганда табиий офатлар сони қарийб бир баробарга ортган. Энг ёмони, бу офатларнинг 90 фоизи об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Иқлим офатлари сабаб ҳар йили жаҳон иқтисодиётига 520 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етмоқда. Қолаверса, мана шу фалокатлар фонида ҳар йили 26 миллион киши қашшоқликка дучор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида бот-бот иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари ҳақида бежиз куйиниб нутқ сўзлаётгани йўқ. Зеро, бу муаммоларга зудлик билан чора кўрилмаса, даҳшатли оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. 2025 йилни Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинишида ҳам айни шу муштарак мақсадлар мужассамдир.

Масалан, парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида бугун нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки минтақамиз ва дунёдаги бошқа давлатларда ҳам тобора кескинлашиб бораётган иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари яққол сезилаётгани алоҳида қайд этилди. Сир эмаски, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Албатта, бу каби экологик хавф-хатарларга амалий жавоб сифатида мамлакатимизда шахсан юртбошимиз ташаббуси билан уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси билан боғлиқ хайрли ишлар бошланган эди. Ва ўз навбатида кўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Шу билан бирга ҳукуматимиз олдига йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш борасида топшириқлар белгиланди. Бу борада партиямиз депутатлари ҳам янада фаоллик кўрсатиб, сайловолди дастуримизда илгари сурилган қатор ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссамизни қўшамиз.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ САРИ ЙЎЛЛАР ОЧИЛМОҚДА

Парламентга сайланган янги депутат сифатида Президентимизнинг дастурий маърузаларида давлатимиз яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилоти(ЖСТ)га аъзо бўлиб киражагига оид билдирган таҳлилий таклиф ва мулоҳазалари менда жиддий таассурот уйғотди.

Дарҳақиқат, 2030 йилга қадар миллий иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Йиллик экспорт ҳажми эса 2 баробарга оширилиб, 45 миллиард долларга олиб чиқилиши кўзда тутилган. Ушбу муҳим мақсадларга эришиш учун маҳаллий маҳсулотларимиз ва хизматларимиз дунё бозорига олиб чиқилиши лозим. Халқаро савдони тартибга солиб турувчи мазкур кўп томонлама савдо тизимига қўшилиш мамлакатимиз иқтисодиётига ана шундай имкониятларни тақдим этади. Шундай экан, ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан бири ва мамлакатимиз ушбу савдо тизимида иштирок этиш орқали глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланади.

Афсуски, Ўзбекистон узоқ йиллар давомида бу жабҳада мудроқ кайфиятда бўлган. ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда 2017 йилдан бошланган бўлса-да, сўнгги икки йил давомида ушбу жараён янада жадаллашди, дея оламиз.

Ўтган қисқа даврда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи томонидан тўрт маротаба йиғилиш ўтказилди ва навбатдагиси келаси ойда ўтказилиши кутилмоқда.

Эътироф этиш лозимки, ЖСТ котибияти ҳам бизнинг изчил саъй-ҳаракатларимизни алоҳида эътироф этиб, қўллаб-қувватламоқда.

Бугунги кунда ЖСТга аъзо мамлакатлар сони 166 тани ташкил этади. Дунё бўйлаб савдонинг 98 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Табиийки, бу ташкилотга қўшилиш одатда узоқ вақт талаб этадиган жараёндир.

Айни вақтда, ташкилотга қўшилаётган давлатлар ЖСТ келишувлари ва кўп томонлама музокаралар натижасида келишилган қўшимча аъзолик шартларига мувофиқ ўзининг ички бозорни импорт рақобатидан ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлаш сиёсатини келишув шартларига мувофиқлаштириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ташкилотга аъзо давлат маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш учун ўз ички қонун-қоидаларини ЖСТ битимлари билан мослаштиради. Ёки бўлмаса, ЖСТга қўшилиш жараёни кўп жиҳатдан турли давлатларнинг сиёсий, иқтисодий (жумладан, геосиёсий ва геоиқтисодий) манфаатларига асосланган ҳолда олиб борилиши ҳолатлари ҳам кузатилади.

ЖСТга аъзо бўлишнинг иқтисодий оқибатларини турли нуқтаи назардан таҳлил қилган экспертларнинг аксарияти, умуман олганда, ташкилотга қўшилиш миллий иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашади. Демак, ЖСТга аъзо бўлиш орқали турли давлатлар аъзоликдан турли даражада иқтисодий фойда олишлари мумкин. Яъни, иқтисодий фойда олиш кўлами тизимда иштирок этиш фактига эмас, балки у ёки бу аъзо давлатда амалга оширилган иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги ислоҳотларнинг табиатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Шундай экан, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида Президентимиз олдимизга қўйган улкан иқтисодий марраларга эришишимиз йўлида ЖСТга аъзоликдан максимал равишда фойда олишимиз учун иқтисодий сиёсатимизни ЖСТ битимлари қоидаларига мувофиқликда самарали ташкил этишимиз жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро ҳокимияти органларидан бу йўналишда фаолликни талаб этади.

Энг асосийси, парламент комиссияси юқоридаги йўналишлардаги ўз фаолиятини тегишли вазирлик ва идоралар, “ақл марказлари” ва жамоатчилик вакиллари ҳамда ишбилармонлар билан яқиндан ишлаш асосида олиб бориши лозим. Шундагина биз бу борадаги соҳани тартибга соладиган мукаммал қонунлар, самарали ва халқчил ечимларни ишлаб чиқа оламиз.



Умид ЯКУБХОДЖАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси



Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Бугун ҳаёт – бош қомусимизда ўз ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Буни давлат раҳбари яқинда янги таркибдаги парламент аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам қайд этиб, ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти институтларининг вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашини тузишни таклиф қилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш Ўзбекистонга ёки мамлакат аҳолисига нима беради?

Аввало, ушбу мулоқот давлат бошқаруви сифатини оширади. Фуқаролик жамиятлари давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиши уларнинг аҳолининг реал эҳтиёжларини қондиришни таъминлашига хизмат қилади. Шунингдек, мустақил ташкилотлар давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, коррупцион схемалар ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини аниқлаши мумкин. Яна бир жиҳати, мамлакат иқтисодиётига фуқаролик жамиятлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва инвестицияларни жалб қилишда кўмак бериши мумкин.

Фуқароларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки одамлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Қолаверса, ижтимоий ҳамжиҳатликни шакллантириб, оммавий салбий кайфиятни сўндиради. Давлат билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш фуқаролик жамиятларининг янада кучли ва самарали бўлишига, уларнинг ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқот кучайса қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – қарорлар, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади.

Бу ҳам, ўз навбатида, кенг жамоатчиликнинг талаб ва истаклари асосида халқчил қарорлар қабул қилинишида муҳим омил бўлади. Бошқа тарафдан қарайдиган бўлсак, парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларга бўлган халқ ишончини оширади, депутатларнинг сайловчилар олдидаги жавобгарлиги ва вазифалари, уларнинг манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш таъминланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг замонавий ва демократик давлат сифатида янада тараққий этиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, **халқимизга садоқат билан хизмат қилиш** ҳар биримизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

O‘zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИХТИЁРИДА қоладиган солиқ тушумлари кўпайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси йиғилишида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида келгуси йил учун асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали даромадлар базасини кенгайтириш, солиқ, божхона ва бюджет сиёсатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2025 йилда маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш учун улар ихтиёрида қоладиган солиқ тушумларини кўпайтириш режалаштириляпти. Бунда келгуси йил 1 январдан айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи, давлат активлари ижарасидан тушадиган тушумлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизигача қисми туман (шаҳар)лар бюджетларига қолдирилади.

2026 йил 1 январдан эса туман (шаҳар)лар бюджетларига мазкур даромад тушумларидан ажратмалар миқдорига келгуси уч йил давомида ўзгартириш киритилмаслиги назарда тутилмоқда. Халқ вакиллари томонидан мазкур чора-тадбирлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Мунозаралар давомида депутатлар ажратилаётган маблағ миқдори юзасидан эътироз билдириб, бюджетномада назарда тутилган маблағ оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни



бош молиявий ҳужжат лойиҳасини қизғин муҳокама қилиб, партиянинг сайловолди дастури, мақсад ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда қатор таклифларни илгари сурди. Кўтарилган масалалар юзасидан қонун ташаббускорлари атрофлича тушунтиришлар бериб ўтди.

Хусусан, депутатлар қонун лойиҳасида экспортчи тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш назарда тутилаётганига эътибор қаратиб, бунинг сабаблари билан қизикди.

Бундан ташқари, фракция аъзолари Болаларни қўллаб-қувватлаш фондига аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун етарли эмаслигини таъкидлади. Ўз навбатида, фондга ажратилаётган маблағ миқдорини қайта кўриб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Қизғин давом этган баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди. Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

АСОСИЙ СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛИШИ

тадбиркорларимиз учун қулай имкониятдир



Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдик.

Актам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси раҳбари

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси партиямиз фракцияси йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Депутатларимиз партия сайловолди дастури, мақсад ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда қатор таклифлар билдирди.

Энг муҳими, давлат бюджети лойиҳасида бизнинг электорат вакилларимиз бўлган тадбиркорлар учун асосий солиқ ставкаларининг ўзгаришсиз қолиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатимизда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш, энг муҳими, хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бюджет лойиҳасининг яна бир асосий жиҳати, аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган маблағларнинг сезиларли даражада оширилганидир. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадида 20 трлн сўм маблағ йўналтирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўз навбатида O‘zLiDePнинг сайловолди дастурида ҳам аҳолига уй-жойлар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу лойиҳада мазкур йўналишга 15 трлн сўмдан ортиқ, шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадидаги “Ташаббусли бюджет” тизимини такомиллаштиришга эса 6 трлн маблағ ажратилаётгани ҳам халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги хайрли қадамлардан биридир.

Парламент қуйи палатаси депутатлари эътиборига ҳавола қилинаётган “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг партиямиз фракцияси аъзолари ҳам ушбу ҳужжатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва келгусида қабул қилинажак қонун ижросини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади.

“XXI ASR” ШАРҲИ

ХАЛҚИМИЗ ТАБИАТНИ ОНА ДЕЙДИ

ЕРУ СУВНИ ЭЪЗОЗЛАШДЕК АСРИЙ АНЪАНА ВА АЗАЛИЙ ҲАҚИҚАТ ЗАМИРИДА АСЛИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАНИ БУГУНГИ КУНДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛЯПТИ

Эртани ўйлаган инсон борки, ниҳол қадайди. Фарзандлари келажаги учун қайғурган ота борки, кўчат экади. Дилбандларини бағрига босган она борки, дарахтларга қиёсан ўғил-қиз ўстиради. Осмон мусаффолигини кўзлаган мамлакат борки, боғ яратади. Эзгуликка интилган эл борки, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асрайди.

Янги Ўзбекистондаги изчил ислоҳотлар ана шу минг йиллик урф-одатларимиз билан уйғун ҳолда кечаётгани диққатга сазовор. Зеро, техника тараққиёти табиатга зарар келтириш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак. Шунинг учун ҳам турли мулоқоту муҳокамаларда “яшил” иқтисодиёт атамаси кўп қўлланилаётир. Энг муҳими, юртимизда бир неча йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида бевосита иштирок этиш эндиликда ҳамманинг бурчига айланди.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи намуна бўлаётгани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатда сўз ва амал бирлигининг тасдиғидир. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўтган ҳафта охирида пойтахтимизнинг Бектемир туманида барпо этилаётган янги боққа кўчат экканини акс этган ҳаётий манзаралар халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортди.

Хориждаги нуфузли нашрлар ҳозир табиат софлигини сақлаш долзарб масалага айланган бир пайтда Шавкат Мирзиёевнинг нафақат депутатлар, сенаторлар ва вазирлар, балки жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари ва журналистларни ҳар кимнинг ўз дарахти бўладиган боққа ниҳол қадашга чорлаганини ислоҳотлар муваффақияти йўлидаги яна бир йирик қадам сифатида баҳоладилар.

Баъзилар турли амбициялар қуршовида ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, глобал исиш табиий мувозанатга ва одамлар соғлиғига зарар етказаётганини ўйлашга вақти бўлмаган чоғда Ўзбекистон илгари сурган эзгу ташаббус, албатта, эътирофга лойиқ. Модомики, юртимизда экологик муаммолар оқибати олдиндан англаниб, атроф-муҳитни асраш чоралари кўрилаётгани ёшга ҳам, қарига ҳам аён.

Шу маънода, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди, десак муболаға қилмаймиз. Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт кўчатлари экиш анъанаси қайта тикланди. Президентимизнинг ўзи бунда доимо ўрнак. Аввалги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзорда кўчатлар эккан эди. Мана, энди Тошкент ҳалқа йўли бўйида яшил ҳудудга асос солинди.

Бектемир туманида бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилади. Уларни парваришлаш учун 3 та сунъий сув ҳавзаси ва 12 та қудуқ барпо этилди.

Маълумки, “Яшил макон” лойиҳасида шаҳарлар яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, уларнинг атрофида яшил белбоғ яратиш мақсади белгиланган. Ҳалқа йўли бўйидаги бу ҳудуд Тошкент яшил белбоғининг бир қисми бўлади. Яна бир эътиборли томони, бу ерда табиий ўрмон шакли ҳосил қилинади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари ва чет эллик дипломатлар билан суҳбатлашди, ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун уларга миннатдорлик билдирди.

– Бу анъана ўзи бизда бор. Халқимиз табиатни она дейди, ерни, сувни эъзозлайди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўлаяпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўшиши керак.

Кенг миқёсдаги тадбирда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мутасаддилари ҳам фаол иштирок этишди. Ушбу жараённи видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар жамоатчилиги ҳам кузатди. У ерларда ҳам O‘zLiDeP аъзолари меҳр билан ниҳол қадашди. Умуман олганда, кузги мавсумда мамлакатимиз бўйича “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини ўтқазиш режалаштирилган.

– “Яшил макон” деганимиз бу – келажагимиз. Худо хоҳласа, мана Янги Тошкентни қуриб, ижроия органларининг ҳаммасини кўчиришни режа қиляпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Тасаввур қилинглар, катта машиналар кирмайдиган, тирбандликлар йўқ ҳудудда одамлар бундан фақат фойда кўради.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Бокуда бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида (COP29) сўзлаган нутқини эслатиб, 2025 йилни Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни бежиз таклиф қилмаганини таъкидлади.



Kun.uz

Баҳорда 138 миллион дона кўчат экилган эди. Вазирлик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилган. Йирик саноат корхоналари ва чиқинди полигонлари атрофига ҳам дарахтлар ниҳоллари ўтқазилиб, яшил белбоғлар ташкил қилинмоқда.

Автомобиль ва темир йўллари, дарё ва каналларга туташ ерлар кўчат экиш учун қарийб 10 минг аҳоли ва тадбиркорга ижара шартномаси асосида ажратиб берилди. “Менинг боғим” танлови доирасида ғолиб деб топилган 215 та лойиҳа бўйича босқичма-босқич ишлар бошланди. Гапнинг индаллосини айтганда, кейинги уч йилда жами 646 миллион туп кўчат ва буталар экилган. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошган.

Ижроия органлари Янги Тошкентга кўчирилади

Бу ҳақда Президентимиз пойтахт атрофида яшил белбоғ яратиш бўйича ташкил этилган хайрли тадбир ниҳоясида журналистлар билан мулоқотда маълум қилди.

Шавкат Мирзиёев ялпи ички маҳсулотни 200 млрд долларга етказиш режалари ҳақида ҳам гапириб, бошланганимизда 51 млрд доллар эди, ҳозир 110 млрд бўляпти. Қилса бўлар экан! Шунинг учун халқимиз, ўз келажагимиз, жонажон Ватанимиз учун қилган ҳамма режаларимиз учун стратегияга муносиб ҳаракат қилсак ана шунда марра бизники бўлади, деди.

Ишончли одимлар ёхуд иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш

БМТ шафелигидаги COP29 конференциясида иқлимни молиялаштиришнинг янги жамоавий миқдорий мақсади (NCQG) бўйича якуний қарашлар тасдиқлангани қувонарли. Иштирокчи давлатлар иқлим бўйича янги молиявий йўналиш — Baku Finance Goal`ни яратишга келишиб олди. Ушбу механизм 2035 йилгача ривожланаётган мамлакатларда иқлим лойиҳаларини ривожлантириш учун ҳар йили 1,3 триллион доллар жалб қилишни назарда тутади.

– Молиялаштириш биринчи даражали масала эди. Қарзга ботган, табиий офатлардан азият чеккан ва қайта тикланадиган энергия инқилобидан ортда қолган ривожланаётган мамлакатлар маблағга жуда муҳтож, – деди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. – Конференциядаги ушбу келишув глобал исиш чегарасини 1,5 даражада сақлаш учун зарур.

Иқлим масалалари бўйича Еврокомиссар Вопке Хукстра дунё ҳозир ўта мураккаб геосиёсий даврни бошдан кечираётганини ва бундай пайтда иқлимни молиялаштириш бўйича келишувга эришиш улкан ютуқ эканини айтди.

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси ижрочи котиби Саймон Стилнинг фикрича, COP29 иштирокчилари ўз вазифаларини бажара олди. Ушбу янги молиявий мақсад иқлимнинг ҳар бир мамлакатда ёмонлашуви шароитида инсоният учун суғурта полиси ҳисобланади. Ҳар қандай суғурта полиси каби у ҳам бадалларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаган тақдирдагина ишлайди.

Хуллас, Бокуда қабул қилинган қарор экологик тоза энергетика соҳасида ўсишга катта ёрдам беради. Бу иқлим инқирозининг олдинги сафларида бўлганларни, айниқса, энг заиф гуруҳларни ҳимоя қилишнинг ҳақиқий чораларини молиялаштириш имконидир.

O‘zLiDeP сайловолди дастуридаги ташаббуслар: атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни таъминлаш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Президентимиз 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиш таклифини билдирганда йиғилганлар ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Давлатимиз раҳбари бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилаётганини қайд этди.

Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, турли ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда.

Бунга жавобан мамлакатимизда уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошланган эди. Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТда қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Шавкат Мирзиёев юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истакларини атрофлича ўрганиб, билдирилган тавсиялардан келиб чиққан ҳолда 2025 йилга ушбу ном бериши, бу борадаги ишларимизни янги, янада юксак босқичга кўтаради.

Шу билан бирга ҳукумат олдига йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш борасида вазифалар белгиланди. Бунда O‘zLiDeP депутатлари ҳам фаол бўлиб, сайловолди дастурида илгари сурилган қатор ташаббуслари асосида ўз таклифларини тақдим этиш орқали партиянинг мақсад ва ғояларини амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

Маҳорат ва масъулият мактабига айланмоқда

НАМАНГАН



“Ишбилармон аёл” кўрик танловининг Наманган вилоят ҳудудий республика босқичи Наманган шаҳридаги “Уч фаввора” хиёбонида ўтказилди. O‘zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбир “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида бўлиб ўтди.

Кенгаш раиси Солижон Мўминов танловни очиб берар экан, юртимизда тадбиркорлар, айниқса, ишбилармон хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида эътироф этди. Вилоятнинг энг ишбилармон аёлини аниқлаш ва фаолиятини оммалаштириш кўзда тутилаётган ушбу танлов доирасида бугунгача 14 та туман, шаҳар босқичлари ташкил этилди. Фаол қатнашган 143 нафар тадбиркор, фермер, ҳунарманд, ишлаб чиқариш соҳаси вакилларидан иборат хотин-қизларнинг энг моҳир 14 нафари ҳудудий республика босқичига йўлланма олди.

Иштирокчиларнинг фаолияти, ютуқ ва тажрибалари ҳар томонлама ўрганилди. Ҳавола этилган кўргазмалардан ўрин олган маҳсулотларнинг сифати ва харидоргирлигига эътибор қаратилди. Ҳайъат аъзоларининг якуний хулосасига кўра 1-ўринга Косонсой туманидаги “Al-hadiya suvenir” МЧЖ раҳбари Наргиза Тўрабоева, 2-ўринга Янги Наманган туманидаги “Zarka” корхонаси раҳбари Нигора Насимова ва 3-ўринга Давлатобод туманидаги “Samiya-academy” МЧЖ раҳбари Диёрахон Юсупова муносиб кўрилди.

– Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ташкил этилган ушбу танлов биз каби ишбилармон аёлларга маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда, фаолиятимизда янги марраларни эгаллашимизга куч, ғайрат бағишламоқда, – деди Наргиза Тўрабоева. – Бугунги ғолиблик менга билдирилган катта ишончдир. У, ўз навбатида, катта масъулият ҳам юклайди. Фаолиятимни янада кенгайтириш ва ўз устимда тинимсиз ишлаш, юртимиз иқтисоди, Янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш учун бор куч-ғайратимни аямайман.

Ғолиблар партиянинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

O‘zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

ИМКОНИЯТ

БУХОРОДА ШУНДАЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ БОР

Ҳозирги кунда республикамизда ойлик нефть ишлаб чиқариш ҳажми 59,8 минг тоннани ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда табиий газ қазиб олиш ҳажми эса 62 миллиард куб метрни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Хўш, бу нимани англатади? Бу жаҳон бўйлаб нефть ва газ соҳаси ходимларига талаб йил сайин ортиб боришини кўрсатади. Шунинг баробарида замонавий билим ва кўникмага эга, рақамли технологиялар билан узвий иш ташкил қила оладиган креатив кадрларга талаб ортади.



Бу борада Бухоро нефть ва газ саноати коллежи ўз ўрнига эга таълим масканларидан. “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги ушбу ўқув маскани “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида фаолият юритиб, халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурларини муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Коллежда бугунги кунда 262 нафар кундузги, 605 нафар сиртқи, 9 нафар дуал таълим шаклида, умумий ҳисобда 876 нафар талаба таҳсил олмоқда. 2023-2024 ўқув йилидаги 453 нафар битирувчининг 47 нафари ўз соҳасида олий таълим олмоқда. Уларнинг 9 нафари тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган бўлса, қолганлари тармоқларда фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижроси доирасида коллежда янги имкониятлар яратилган бўлиб, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи”, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” каби етакчи корхоналар билан ҳамкорликда илмий лабораториялар ва амалиёт устахоналари ташкил қилинган. Замонавий симуляцион тренажёрлар, ахборот-технологиялари воситалари, айниқса, ўқув ва методик адабиётлар билан жиҳозланган лабораториялар назарий-амалий машғулотларни юқори даражада ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Коллеждаги замонавий шароитлар, жумладан, 46 минг 300 та китоб фондига эга кутубхона, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, 590 ўринли талабалар турар жойи ва шинам ошхона – буларнинг барчаси илму толибларнинг қунт билан билим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коллежда “Нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш”, “Кимёвий таҳлил ишлари”, “Компрессор қурилмаларини ишлатиш”, “Қайта тикланувчи энергия манбаларига хизмат кўрсатиш” каби йўналишларда назарий ва амалий машғулотлар юқори савияда олиб борилади.

Ўқув маскан нафақат Ўзбекистон, балки чет эл мамлакатлари учун ҳам етук мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Хусусан, яқинда Россиянинг “Газпромнефть” компанияси билан ҳамкорлик доирасида бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшлар Нижневартовск шаҳрига ишлаш учун юборилди. Бу лойиҳа доирасида коллеж томонидан йўлланма берилган иккинчи муваффақиятли гуруҳ бўлди.

Яна бир қувончли хабар, яқинда мазкур ўқув даргоҳи ташкил этилганининг ярим асрлик тантаналари ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Боиси, тадбир аввалида “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси Баҳодиржон Сиддиқовнинг коллеж жамоасига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Сўнгра ушбу ўқув юрти тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳа намойиш этилди. Айниқса, онлайн тарзда хориждаги бир қатор олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда нуфузли ЮНЕСКО ташкилоти вакилларининг йўллаган самимий қутловлари кўпчиликни қувонтирди.

Байрам муносабати билан сўзга чиққан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва унинг Бухоро вилоятидаги ҳудудий бошқармаси, Бухоро нефть ва газ саноати коллежи билан ҳамкорликда фаолият юритиб келаётган қатор саноат корхоналари ва компанияларнинг мутасаддилари, меҳнат фахрийлари, педагог-ўқитувчилар ва талабалар мамлакатимиз ёқилғи-энергетика соҳаси таянчларидан бири бўлган даргоҳнинг ривожланиш ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётганини эътироф этишди.

Ибратли жиҳати, юбилей баҳонасида ушбу коллежга турли йилларда раҳбарлик қилган Баҳодир Расулов, Хуршид Убайдуллаев, Фарҳод Собиров ва Замир Адизовнинг порлоқ хотираси ҳам ёдга олинди.

Тадбир якунида эса соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ фидойилар ҳамда меҳнат фахрийларига ташаккурнома ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
“XXI asr” мухбири

ДЕПУТАТ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПДИ

ВАКИЛИМИЗ

Бу йилги сайловларда Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги 25 та ўриндан 12 таси маслакдошларимизга насиб қилди. Бундай юқори натижа бежиз қўлга киритилмади. O‘zLiDeP ташкил топган дастлабки йилларданоқ вакилларимиз вилоятдаги энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган туманда ўзларининг самарали фаолиятлари билан эл ҳурматини қозониб улгурган. Ўзига хос иш усуллари шаклланган, етарлича тажриба тўпланган.



Ниҳоят сайловлар тугагач, янги сайланган депутатлар сайловолди дастурига киритилган вазифалар ижросини таъминлашга киришишди. Эътиборли томони, ҳудудлардаги ўрганишлар жараёнида аҳоли томонидан қилинган мурожаатларнинг бирортаси эътибордан четда қолмаяпти.

Мисол учун, Нурафшон маҳалласида кунлар совиши билан электр энергияси таъминотида узилишлар юзага кела бошлади. Аҳоли ушбу муаммога ечим топиш учун фаол, серғайрат депутат Меликўзи Омонликовга мурожаат қилди. Бу масалага ўз ваколати даражасида ечим топишга киришган ноибнинг саъй-ҳаракати билан эски трансформатор тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Одамлар эса муаммога ечим топилгани учун унга раҳмат айтди.

Яна бир эътиборли томони, шу кунларда тумандаги мавжуд маҳаллалар, тиббиёт ва таълим масканларида қиш мавсумига тайёргарлик ишлари тўлиқ депутатлик назоратига олинган.

Холбек АСАТОВ,
O‘zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши бўлим мудири

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ

БОҒОТ: БОҒДОРЧИЛИКДАН БАЛИҚЧИЛИККА

Хоразмнинг Боғот тумани вилоятда боғдорчиликда етакчи. Аслида туман атамаси “боғи обод” мазмунини англатиши бу заминда боғдорчилик қадимдан ривожланганини кўрсатади. Бунга, аввало, унумдор тупроқ, қолаверса, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъана – ерга меҳр бериш, она табиатнинг ноёб неъматларидан унум билан фойдаланиш, дарахтлар тилини тушуниш каби фазилатлар имкон яратган.

Туманнинг Ўғизравот, Қораянтоқ, Деҳқонобод ва Нурафшон қишлоқларида узумчилик ривожланган. Аҳолиси нисбатан зич яшайдиган Деҳқонобод қишлоғидаги барча хонадонларнинг томорқаси ва қўшимча майдони, қисқаси бир қарич ери ҳам бўш эмас, асосан токзорларга айлантирилган. Айнан шу қишлоқдаги бешта маҳалла аҳлининг миришкорлиги сабаб туман ҳар йили бир мавсумда хориж давлатларига ўртача 15 миллион АҚШ доллари миқдорида узум экспорт қилади. Биргина шу йилнинг ўзида Боғотда қўшимча юз гектар узумзор барпо қилинди. Давлат дастури асосида туманда икки минг тонна узумни қайта ишлайдиган корхона қурилиши режалаштирилган.

Сўнгги йилларда туманда балиқчилик соҳаси ривожи учун ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Ҳудуднинг Қорақум саҳросига туташ ташландиқ ётган майдонлари тадбиркорларга балиқчилик ташкил қилиш учун ажратиб берилди. Воҳанинг ташландиқ сувларини Сариқамиш кўлига оқизадиган “Озерний” захкаши айнан шу ерлардан ўтиши балиқчилик учун зарур сув муаммосини нисбатан осон ҳал қилиш имконини яратган. Айнан шу захкашга ёндош ташландиқ майдонларда ўнлаб сунъий ҳовузлар қазилиб, балиқ боқиляпти. Бундан ташқари туманнинг деярли барча қишлоқларидаги катта-ю кичик табиий кўллар ҳам танлов асосида сармоядорларга ажратиб берилган.

Бугун балиқчиликка ихтисослашган 90 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Бундан ташқари кўп тармоқли фермер хўжаликларининг 26 тасида балиқ боқиш учун сунъий ҳовузлар бор. Умуман олганда, Боғотда 836 гектардан ортиқ сунъий кўлларда балиқ етиштириляпти. Ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан тўғри келмоқда. Бу эса туман аҳолисининг ҳар бирига йил давомида ўртача 20 килограммдан балиқ тўғри келади, деганидир.



Эсимда, 1990 йиллар бошида воҳада бир килограмм балиқнинг нархи бир кило мол гўшти билан деярли тенг эди. Бугун бу нисбат деярли тўрт баравар кам, яъни балиқ турларига қараб, бир килограмми ўртача 22-35 минг сўмдан сотиляпти. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда тўй-ҳашамларда дастурхонларга балиқли таом тортиш кенг тарқалди. Масалан, юз килограмм балиқни икки миллион сўмдан сал кўпроққа харид қилган тўй эгаси уни қовуриш учун кўпи билан ўн килограмм ўсимлик ёғи сарфлайди. Ошпаз ҳақи билан қўшиб ҳисоблаганда уч миллион сўмга тушадиган қовурилган балиқ беш юз кишилик тўй даврасига биринчи таом сифатида тортилади.

Бугун тумандаги овқатланиш шохобчаларининг ярмига яқинини балиқхоналар ташкил қилиши ҳам айнан ана шу неъматнинг сероблиги, соҳа кескин ривожланганини кўрсатади. Ҳар бир маҳаллада икки-уч нуқтада балиқхоналар ишлаб турибди. Яна денг, ҳар бир маҳаллада ҳам тирик балиқ савдоси билан шуғулланувчи оилалар бор. Балиқ фермерлари уларга мунтазам ўз маҳсулотларини етказиб беришади, улар эса аҳолига сотишади.

Тумандаги энг йирик балиқчилик фермерларидан “Бойхон балиқлари” фермер хўжалиги раҳбари Қудрат Искандаровни гапга соламан:

– Қорақум саҳросига ёндош Қалъаажиқ қалъаси яқинида бўш ётган майдонларда балиқчилик фермер хўжалиги ташкил қилганимизга тўрт йилдан ошди. Бизга ажратилган юз гектар майдоннинг 55 гектарида сунъий ҳовузлар қаздирдик. Бу катта ҳажмдаги ишлар учун тижорат банкларидан бир миллиард сўм миқдорида кредит ҳам олган эдик. Фаолиятимиз самарали бўлиб, ўтган даврда кредитларни қоплаб, соф фойда ола бошладик. Етиштираётган балиқ ҳажмини икки ҳисса ошириш имкони бор. Бунинг учун биринчи навбатда озуқа базасини яратиш керак. Ҳозирги кунда балиқ емини Эрон, Германиядан ҳар килограммини 12 минг сўмдан харид қиляпмиз. Агар шу маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилганида эди, нархи уч ҳисса арзонга тушар эди. Исроил тажрибаси асосида тирик протеин, яъни маҳсулотлар қолдиқларидан қуртлар чиқариш технологияси қийин жараён эмас. Буни кушхоналар чиқиндиларидан ҳосил қилиш мумкин.

Қудрат фермернинг таъкидлашича, “Озерний” захкаши қирғоқларида бўш ётган беш минг гектарга яқин ер майдони бор. Бу ерда сизот сувларини юқори кўтариш орқали балиқчилик фермерлари ташкил қилиш мумкин. Бу катта маблағ талаб қилмайди.

Балиқчиликка ихтисослашган фермерлар сув таъминотига қараб икки йўлни танлашади. Сув нисбатан кам бўлган ҳудудларда баҳор ойларида сунъий ҳовузларига тез ўсувчан балиқ чавақларини ташлашади ва ҳосилини ярим йилга қолмай йиғиштириб олади. Олти ой ичида чавақлар бир килолик балиқларга айланади. Сунъий ҳовузларда боқилаётган балиқлар учун тўйимли озуқа ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини бевосита етказиб беради. Лаққа ёки сазан балиқлари эса икки мавсумда истеъмолга яроқли вазн босади. Булар нисбатан қиммат сотилишининг сабаби янада тўйимли ва мазалилигида ҳам. Уларни ер ости сувлари анча чуқурликка кетадиган, ариқларда сув кам бўладиган қиш ойларида боқиш учун табиий кўллар зарур. Табиий кўллар чуқур ва асрлар давомида мослашгани сабаб қишда ҳам қуриб қолмайди.

Президентимиз раислигида яқинда Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари борасида ўтказган йиғилишда бошқа соҳалар қаторида балиқчиликни янги поғонага кўтариш бўйича янги лойиҳалар ўртага ташланди ва айнан Боғот туманида балиқчиликни янада тараққий эттириш бўйича масъулларга топшириқлар берилди. Бунинг учун давлат ғазнасидан каттагина маблағ ажратилиши белгилаб берилди.

Ҳозирги кунда давлат раҳбари томонидан бу соҳага оид берилган топшириқлар ижросини таъминлаш учун туманда янги лойиҳалар ишлаб чиқиляпти, тадбиркорларга ажратиб бериладиган экин экилмайдиган, сунъий ҳовузлар қазиш мумкин бўлган майдонлар белгиланмоқда. Муқаддам шовотликлар томорқаларида кичик сунъий ҳовузча яратиб, балиқ боқиш тажрибасини бошлаб беришган эди. 6 сотихлик сунъий ҳовузчада бу усулда балиқ боқилганда мавсумда ўттиз миллион сўм даромад қилиш мумкин. Демак, бу хайрли тажриба Боғотда ҳам янада оммалашиб кетиши учун барча шароит бор.

Ишончимиз комилки, юртимизда боғдорчилик соҳасида довруқ қозонган туман энди балиқчилик бўйича ҳам ибрат бўлади!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ИСТЕЪДОД – ИНТИЛИШ – ТАШАББУСКОРЛИК

ЁШЛАРИМИЗ УЧУН АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛМОҒИ КЕРАК

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.

Улуғ мутафаккир бобомиз Юсуф Хос Ҳожибнинг мазкур битиклари ҳамма замон ва даврда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам. Зеро ўқувсиз, илмсиз инсоннинг ҳайвондан фарқи бўлмайди. Жамиятга эса уни гуллаб-яшнатувчи, тараққий эттирувчи инсонлар керак, комил инсонлар керак.





Президентимиз бот-бот таъкидлаганидек: “Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”.

Айниқса олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Президент фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Ислоҳотлар самараси ўлароқ аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 40 фоизга етди. Бу кўрсаткични яқин келажакда 50 фоизга кўтариш муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Дарҳақиқат, мазкур саъй ҳаракатлар соҳани ривожлантириш ва сифатини оширишга қаратилган. Бу борада қандай дастур ва режалар қабул қилинмасин, уларнинг барчасида миллатимиз, халқимиз, энг муҳими ёшларимиз манфаатлари алоҳида ҳисобга олинаётганига барчамиз гувоҳмиз. Албатта, бугун замон ва давр талаби ҳам ўзгача. Халқаро стандартларга ва замонавий рақобатдош меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган малакали кадрларни шакллантириш ва улар учун иш ўринларини олдиндан яратиш олий таълим муассасалари олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Энди талабанинг ўқишга кирган бали эмас, балки унинг иқтидори, истеъдоди ва ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Яна ҳам қувонарли томони шундаки, тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талаба ўзининг юқори билим ва кўрсаткичларига эга бўлиши натижасида юқори балл билан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган сафдоши ўрнини эгаллайди ва у давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилади. Бундай тизимнинг амалиётда намоён бўлиши талабалар ўртасида билим олишга бўлган интилиш ва рақобатнинг кучайишига олиб келади. Илму толиб энди ўқиш жараёнида иқтидорини такомиллаштириб, янги истеъдод қирраларини намоён этиб, олий таълимни тугатиш жараёнида меҳнат бозорига юксак билим, малака ва кўникмага эга бўлган кадр сифатида боради.

Шу боис мазкур тизимнинг шаффоф ишлашини таъминлаш, талабанинг ҳар бир кўрсаткичини адолатли баҳолаш мақсадида олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини рақамлаштиришни халқаро таснифлар ва хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш масаласи ғоят муҳим. Ўқув жараёнларини рақамлаштиришни такомиллаштирган ҳолда деканатлар ва бошқа маъмурий тузилмаларни оптималлаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, талабалар билан ишлаш жараёнида инсон омили ролини камайтириш ва таълим бошқарувида ҳар хил маъмурий буйруқбозлик ҳамда бюрократик ёндашувларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, олий таълимда юз бераётган ва вужудга келаётган кўплаб муаммоларнинг асосий сабаби ҳам инсон омили аралашувидан воз кеча олмаганлигимиздадир.

Бугун олий таълим тизими жамиятда ўзининг ҳақиқий локомотив драйверига айланмоқда, нуфузи ошмоқда, профессор ўқитувчилар қадри улуғланмоқда. Кейинги асосий масала – қабул тизимини янада адолатли қилиш ва давлат грантларини иқтидорга йўналтиришдан иборат. Ҳозирги қабул тизими, квоталарнинг тақсимланиши рақобатни тўлиқ таъминламаяпти. Айрим абитуриентлар юқори балл тўпласа-да, топширган олий ўқув юртининг квотаси сонига кўра ўқишга киролмай қолиши мумкин.

Янги тартибга кўра, муайян бир йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Яъни, юқори балл олган ёшлар ўқишга кирмасдан қолмайди. Энди давлат гранти тўрт йилга битта талабага эмас, балки ҳар йили юқори баҳоларга эришганлар орасида қайта тақсимланади. Давлатимиз раҳбари бу тизимни адолатли йўлга қўйиш, ёшларга ва ота-оналарга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Малака талаблари бўйича ҳам долзарб масалалар кўп. Биздаги айрим мезонлар халқаро стандартлар ва иш берувчи талабларига тўлиқ мос келмаётгани кейинги жараёнларда кузатиляпти. Асосий вазифа – мавжуд малака стандартларини қайтадан сифатли қилиб ишлаб чиқиш. Айниқса миллий малака тизимига доир жараён ва ҳужжатлар электрон платформада юритилишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу боис Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил қилиб, иш берувчилар билан бирга малака талабларини тўлиқ ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. *“Бу аҳоли бандлигига бевосита дахлдор долзарб масала. Шунинг учун бу борада қонунлар ишлаб чиқиб, вазирлик ва идоралар масъулиятини белгилаш, ижроси устидан назоратни кучайтириш керак”,* деди Шавкат Мирзиёев.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Қарши давлат университетининг Педагогика институти негизида ташкил қилинган Шаҳрисабз давлат педагогика институти жамоаси ҳам кенг кўламли демократик ўзгаришлар, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашни ўз мақсади деб билган даргоҳимизда салкам ўн минг талаба ёшларимизга уч юзга яқин илмий даражага эга салоҳиятли, тажрибали устозлар сабоқ бериб келишяпти. 3 та факультетда 16 та бакалавриат таълим йўналиши ва 12 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, институтимиз Россия Федерациясининг Нижегород давлат лингвистика университети, Томск давлат педагогика университети, Волгоград давлат ижтимоий педагогика университети, Сиктивкар давлат университети билан ҳамкорлик алоқаларини ҳам изчил равишда йўлга қўйган. Мазкур таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчиларнинг академик алмашинуви дастурлари, вебинарлар, семинар-тренинглар ташкил қилмоқда. Профессор-ўқитувчиларимиз ана шу илм даргоҳларида тажриба орттириб келишмоқда. Шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликдаги грант дастури асосида бир нафар профессор-ўқитувчи институтимизда фаолият кўрсатмоқда. Украинанинг Психология ва педагогика университети профессор-ўқитувчиси Вера Чудакова иштирокида институт устозлари учун маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Институт ўқитувчиларининг илмий ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида 15 та халқаро илмий маълумотлар базаларини ўз ичига олган ЭБССО халқаро маълумотлар платформасига уландик. Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 90 минг АҚШ доллари миқдорида физика ва биология фанлари бўйича иккита замонавий ўқув-лаборатория ташкил қилинди. Қашқадарё вилоят ҳокими Муротжон Азимов томонидан институтимизга 30 номдаги 400 дона бадиий, илмий адабиётлар тақдим этилди. Ахборот-ресурс марказимизнинг умумий фонди 830 номдаги 10 857 нусхага етди.

Буларнинг барчаси озод ва обод юртимизда эртанги кунимиз эгаларининг янада илмли ва баркамол этиб тарбиялаш учун қилинаётган хайрли ишлардан бир шингил холос. Ҳали олдинда янада улкан ва улуғвор вазифалар турибди.



Жамшид ШОНАЗАРОВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти ёшлар масалалари, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

БУНЁДКОРЛИК

ҚУРУВЧИЛАРГА РАҲМАТ АЙТИШЯПТИ

Юртимизда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш, ёш авлоднинг муносиб таълим олиши учун зарур шароит яратиш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаётир.

Кундан кунга бир-биридан шинам, замонавий мактаб ва боғчалар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу борада “очиқ бюджет” дастури асосида амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш ишлари туфайли ижтимоий объектларнинг замонавий ва кўркам қиёфага эга бўлиб бораётгани диққатга сазовор.

Ана шундай саъй ҳаракатлар натижаси ўлароқ Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси гўзал қиёфага эга бўлмоқда. Бинонинг ташқи қисмларига иссиқликни сақлаш учун махсус қопламалар ёпиштирилмоқда. Даволаш бўлими янги технологиялар билан таъминланмоқда.

Чекка ҳудудлардан бўлган Учқўрғон туманининг Қўғай маҳалласидаги тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими ҳам анчадан бери таъмирга муҳтож эди. Ушбу шифо маскани ҳам дастур доирасида анча ўзгарди. Эшик ва ромлари янгиланди, ташқи ҳамда иккинчи қавати тўлиқ таъмирланди.

Куз фаслининг инжиқ об-ҳавосига қарамай, моҳир қурувчи **Санжар Тожибоев бошчилигидаги “Келажак замон сардори”** масъулияти чекланган жамиятининг қўлигул қурувчилари бу ерда жавлон уришди. Айни дамда бинони фойдаланишга топшириш учун ободонлаштириш ишлари якунига етмоқда.

Ушбу аҳил жамоа қурувчилари инвестиция дастури бўйича тумандаги 4-мактаб ўқувчилари учун 330 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳамда спорт зали қуриб беришди. Қарийб 5 миллиард 300 миллион сўмлик мазкур лойиҳа Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси Наманган вилоят бўлими буюртмачилигида архитектура қурилиш меъёрлари асосида барпо этилди.







Шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги 624 ўринли 7-мактаб биноси ҳам инвестиция лойиҳасига кўра мукаммал таъмирланди. Бинонинг эшик ва ромлари янгиланди, синфхоналар ҳамда ташқи қисми таъмирланди. Бу каби хайрли ишларни тажрибали қурувчи **Муроджон Атабоев раҳбарлигидаги “Мунзирбек строй”** МЧЖ бинокорлари амалга оширишди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди

ЭССЕ

ҲАЛОВАТ НЕЛИГИН БИЛМАГАН УМРЛАР

ёхуд икки одам ҳақида битта ҳикоя

Боёвут тумани марказий шифохонаси жарроҳи Ўрозали Норбўтаевнинг фидойилиги ҳақида қачондир элга гапириб бераман, дея ўйлаб юрардим. Тошкентда Рустам Ҳайдаров билан танишгач, ҳаракатим тезлашди.

Рустамбек билан шифохонада бирга даволандик. Агар ғалати бир одати бўлмаганида эди, у ҳақда ҳеч нарса ёзмаган бўлардим. Рустамбек оқшом чоғлари шифохонанинг беморлар юрмайдиган жойларидаги чироқларни “чирқ” этказиб ўчириб қўярди. Бу ишни ўзимизнинг хонада ҳам зўр ҳафсала билан амалга оширарди.

Баъзан ҳамшираллар унга “Илтимос, кириб жойингизга ётсангиз бўлмайдими?! Чироқлар билан нима ишингиз бор?” дея танбеҳ беришади. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, Рустамбек тилга киради:



Бир асрни қаршилаётган Хосият ая суюкли невараси – фидойи замондошимиз Рустам Ҳайдаровни туну кун дуо қилишдан чарчамайди.

– Опажон, сингилжон, бу чироқлар беҳуда ёняпти-да. Ҳовлидан тушган нур ҳам йўлакни шундоғам ойдек ёритиб турибди ахир!

“Икки кун аввал ҳам касалхона ичкарисида, ҳовлисида юриб шу ишни қилаётганингизни кузатган эдик. Чироқнинг керак, керак эмаслигини ўзимиз ҳал қиламиз. Хонангизга кириб дамингизни олинг”, – дейишади шифокорлар.

Рустамбекнинг қилиғию қилмишига менинг кулгим қистайди. Охири чидай олмадим. Нега оқшомлари чироқларни ўчириб юриши сабабларини сўрадим.

– Самарқанднинг Даҳбед шаҳарчасида 98 га кирган энам (бувиси раҳматли оталарининг оналари экан – таҳр.) ва 72 ёшга яқинлашган онам яшайди.

– Хўш-хўш, чироқ ўчиришингиз билан Даҳбедда яшовчи яқинларингизнинг нима алоқаси бор?

Рустамжон ўйланиб турди. Кейин кулимсиради. Сўнг кулиб юборди. Лекин саволимга жавоб бермади. Чироқ ўчириш ва танбеҳ эшитиш давом этавергач, мен оёқ тираб сабабини билиб олишга астойдил киришдим. Буни қарангки, Рустам ҳадеганда ғалати одатига изоҳ бермади. Орадан ўн кунча ўтиб иккаламиз анча қадрдон бўлиб қолдик. У жудаям оққўнгил йигит экан. Ўйлари содда ва ўта самимий. Гапни у ёғидан ковлаб, бу ёғидан ковлаб, энасининг исми Хосиятхон ая, онасининг исми эса Қўйсинхон опа эканини билиб олдим.

Унинг изоҳ беришича, баъзи-баъзида уларнинг қишлоқларида чироқ ўчаркан. Энам билан онам совуқ қотиб қолади, деган ўй-хаёлда у ортиқча чироқларни ўчириб қўяркан. Самарқанд қаёқда-ю, Тошкент қаёқда! Ана гапу мана гап!

Рустамнинг бу беғубор ўйларидан кулиш керакми, йиғлаш керакми ёки ҳайрон бўлиб оғизга талқон солиб жимгина ўтириш керакми, билолмадим…

Ишхонасида шунча мураккаб ишларни маҳорат билан қонуний адоғига етказаётган йигитнинг жайдари ўйлари киши кўнглини шамдай эритиб юборади.

Декабрнинг ярмида уларга ойлик берилар экан. Ана шунда Рустам Ҳайдаров энаси ва онаси учун йигирма қоп кўмир олиб, Даҳбедга борармиш. Агар кўмир керак бўлмай қолса, уйдагилари уни сомоншувоқ қилиб қўярмиш. Кўмир деганлари ўн йил ўтса ҳам, эзилмай, майда-майда бўлакларга бўлинмай фурсатини кутиб тураверармиш. Рустам кўмирдан ташқари Жиззах сомса, тандир гўшт, Самарқанд нонию ҳолвайтарини ҳам харид қиларкан. Яна бир нарсани фахр билан, аниқроғи, катта хурсандчилик билан таъкидлаб қўйди: Азизлари яшаётган Мустақиллик гузарида сўнгги икки йилда йигирма икки дақиқа чироқ ўчибди, холос...

Судья бўлиб ишлаётган Рустам Ҳайдаровнинг сўзларини обдан тинглагач, кўнглимдан “Юрагида игнанинг учидай гард бўлмаган одамлар борлиги қандай яхши…” деган ўй-хаёллар ўтди. Унинг фикр-ўйларини, беғубор гапларини қай тарзда ҳазм қилай? Рустам ортиқча харажатларга тоқат қилолмаслигини очиқ айтди. Ана шундай сезилар-сезилмас катта-кичик сарф-харажатларга нуқта қўйилса, юртнинг олис-олис чеккаларига ҳам ёруғлик ва иссиқлик бетўхтов оқиб борармиш!

Мен эса энди битта гапни айтаман, сўнгра суҳбат жиловини боёвутлик жарроҳ Ўрозали Норбўтаев томон буриб юбораман. Ҳали-ҳамон муттаҳамлар бор, ўзгаларнинг нонини туя қилувчилар бор. Бировнинг ҳақини ейишдан чўчимайдиганлар талай. Ор-номусни ўйламай қўйганлар ҳам етарли. *Мана шундай замонда Рустамга ўхшаб беғараз, бегард фикр юритувчилар ҳақида қай бир мақтовларни айтишни билмай одамнинг тили ғулдираб қолади. Ўзи таниб-танимайдиган, юзлаб, минглаб одамларга нур ва тафт истаётган одамларнинг этагида намоз ўқисанг арзийди, деган ўйлар юрагимга маҳкам жойлашиб олди.*

…Боёвут туманидаги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлими бошлиғи Ўрозали Норбўтаев 73 ёшигача оёғини узатиб яшамади (Аллоҳ раҳмат қилсин). Қачон қараманг, шошиб юрарди, қачон кўрманг, қаёққадир кетаётган ёхуд қаёқдандир келаётган бўларди...

Туман газетасининг мухбири бундан ўн йиллар муқаддам “Энг катта ниятингиз нима?” дея сўради ундан. Ўрозали Норбўтаев “Ростини айтсам, энг катта орзум – шанба-бозор кунлари эрталабдан кечгача тўйиб ухлаш”, дея жавоб берган экан...

У бу гапни чин кўнгилдан айтган эди. Шифохонада ҳафтанинг маълум кунлари жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Шундай бўладики, фавқулодда юз берган ҳодисалар туфайли бу рўйхат қайгадир ирғитиб юборилади. Рўйхатсиз ҳаёт учун бўлаётган жангларнинг адоғи ҳадеганда кўринавермайди. Қўллар совунлаб ювилиб, энди таом тановвул қилишга ўтирилганда... яна енгил, оғир ва ўта оғир ҳолатдаги беморларни олиб келишади. Чойнакдаги чойлар совиб қолади. Идишдаги таомлар жой-жойида қолиб кетади. Тун ярмига бориб, ниҳоят ултбул нарса тотгандек бўлишади.

Тўғри, фавқулодда ҳолатлар ҳар куни, ҳар соатда такрорланавермайди. Аммо шифокорлар бунга доимо шай туриши шарт. Негаки, ўртада инсон ва унинг ҳаёти турибди. Шифохона ҳовлисида, йўлакларда нажот фаришталарининг бир оғиз илиқ-иссиқ гапига муштоқ одамлар жон ҳовучлаб кутади. Шунақа пайтда овқат еб бўладими? Шундай кезларда Ўрозали Норбўтаевнинг жамоаси ҳаёт учун курашга тайёр туради.

– Ўрозали ака, бола-чақангизнинг олдига бораверинг. Ана, хўрозлар қичқиряпти. Ҳадемай тонг отади. Жиндак ором олмасангиз, эртага юролмай қоласиз, – дейишарди шогирдлари.

Оғир беморлар ётган хоналарни бир қур кўздан кечирган Ўрозали Норбўтаев чор-ночор бир чақирим наридаги уйига йўл олади. Бир пиёла аччиқ чойни, оппоқ чойшабли ўринни кўз олдига келтириб, йўлга чиқади. Ахир ҳадемай масза қилади, икки-уч соат мириқиб ухлайди. Эрта чошгоҳ ишга келганида навбатчи шифокор унга яхши хабарларни айтади.

Энди кўзи уйқуга кетган Ўрозали Норбўтаевнинг аёли Робия елкасидан оҳиста силкитиб уйғотади.

– Дадаси, боядан буён қўл телефонингиз жиринглаб ётибди. Мажбуран олдим. Нарзиқул дўхтирнинг айтишига қараганда, автоҳалокатга учраган бир йигитни олиб келишибди. Сизни дарвоза олдида машина кутяпти. Мана, халтага нон, майиз, новвот солдим. Чойни ўша ёқда ичарсиз...

У на ғудранади, на аччиқланади, на нолийди. Костюмини кийиб, шошган кўйи кўча томон кетади.

Мен, рости, ҳисоб-китобга йўқ одаман. Бундай ҳолатлар унинг ҳаётида балки минг маротаба, балки бир неча минг маротаба юз бергандир.

Бир куни қизиқ бўлди. Мактабни тугаллаётган қизи Севара ота касбини эгаллamoқчи эканини айтди. Ўрозали Норбўтаевнинг оғзи қулоғида. От ўрнини той босгани тузук-да. Лекин аёли Робиянинг қовоқлари осилди.

– Битта уйга битта шифокор етарли, менимча, – деди у. – Ҳолингизни кўриб турибман-ку! На юришда, на туришда, на еб-ичишда ҳаловат бор. Дадаси, хафа бўлмангу, чайнаб ютган нонингиз ҳам ичингизга тушмайди. Дарду хаёлингиз касалларда. Телевизорда Ҳожибой Тожибоев ичакузди латифаларни гапиряпти-ю, сиз эса шерикларингиздан касалларнинг аҳволини суриштиряпсиз. Бўлмаса шифохонадан келганингизга ярим соат ҳам ўтгани йўқ. Севара қизим гинеколог бўлади, дея баралла чапак чалиб ўтирибсиз. Жон дадаси, ўқитувчими, тадбиркорми бўлса яхши эмасми? Қиз бола бировнинг хасми. “Лип” этиб ишга, “лип” этиб навбатчиликка жўнайдиган келин қайси қайнонага ёқибди, дейсиз?

Ўрозали Норбўтаев бундай кезларда кулади. Ўнг қўли билан пешонасини, бошини уқалай туриб, “Кўрамиз…” деб қўяди.

Ҳозир битта гапни айтаман, бунга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўзингиз биласиз… Юмшоқ, оппоқ ўринда уч-тўрт соат масза қилиб ухлайман, дея уйга келган Ўрозали Норбўтаев даҳлиздаги диванда чўзилиб кўзи юмиларди.

– Даҳлизда ухласангиз, бир пой туфлингиз ечилиб, бир пойи оёғингизда турса, касалхонадан келиб нима қилардингиз? Ўша ерда дам олсангиз ҳам бўларди-ку! – дейди Робия пичагина ранжигандек.

Ўрозали Норбўтаев бу гапларни, бу меҳр тўла танбеҳларни эшитиб, эшитмайди. Хўрозлар қичқирмоқда. Ҳозир тонг отади, ухлаш керак, ухлаш керак…

Севара айтганини қилди, ота изидан кетди. У бугунги кунда вилоятдаги энг яхши (моҳир, таниқли) гинекологлардан бири ҳисобланади. Ўткирнинг Азизбек, Фотима деган ўғил-қизлари ҳам боболарининг этагидан тутиб, унинг изидан юришди. Собир хуқуқ-тартибот идорасида ишлайди. Қизи Замира эса онаси Робиянинг қош-қовоғига қаради. У ўқитувчи, мактабда дарс беради.

Ўн нафардан кўпроқ невараларнинг қай биридан сўраманг, “Мен дўхтир бўламан”, дейди. Бояқиш Робия бу бўлажак шифокорлар гуруҳи билан қандай муросаи мадора қиларкин-а? Бунинг барини эртанги кун кўрсатади.

Ўрозали Норбўтаев бозорга тушиб, нарса харид қилолмасди. Ўнлаб одамлар у билан кўришиш учун қўл узатиб турган бўлади. Ҳамма билан омонлашмоқ, ҳамманинг кўнглини топмоқ керак. Кимнидир операция қилган, яна бошқа бир одамнинг фарзандига нажот қўлини чўзган, қай бирининг неварасини ўлим чангалидан юлиб олган.

Кўча-кўйда, тўй-маъракада турли-туман йиғилишу лозиматларда ҳам Ўрозали Норбўтаевга осон бўлмаган. Кўришмоқ дегани аслида “Сизга раҳмат, борингизга шукр” дегани эмасми? Одамлар ўз эҳтиромларини, юрак сўзларини қўшқўллаб кўришганда, қучоқлашиб омонлашганда билдиришади, десак ўринли гапни айтган бўламиз.

Кишилар ўзи суйган, ўзи суянган кимсаларни кафтларида кўтариб юришади. Керак бўлса чопонларининг этакларига солиб олишади.

Халқнинг кўнглига кириш, кўнглидан жой олиш мушкул юмуш. “Меҳнат шуҳрати”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби Ўрозали Норбўтаев ана шу ишнинг уддасидан чиқди. Шундай бахт унга насиб айлади. Ким билсин, у бундай эътибор, бундай меҳр-муҳаббат ҳақида ўйлаб кўрдимикан? Ўйлашга вақти бўлдимикан? Бирор жойда шулар ҳақида ул-бул дедимикан? Ўрозали Норбўтаевнинг бундай қилганини бирор жойда, бирор маротаба на кўрдим, на эшитдим. У камтарликка қўйилган ҳайкал эди. Ярим аср ўз халқига тик оёқда туриб хизмат қилди. Ярим аср ҳаловат нелигини билмай яшади. У тўйиб ухлашни эллик йил орзу қилиб ўтди.



Умрининг сўнгги нафасига қадар одамларга яхшилик қилиб ўтган боёвутлик машҳур жарроҳ Ўрозали Норбўтаев (ўнгда)нинг умр чироғи шогирдлари, фарзандлари тимсолида ҳамон ёниб турибди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA XXI asr

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙЙИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Мадина БАРОТОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1145 **Адади: 4378** Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 18:30

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

123456

Навбатчи муҳаррир: **Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**